

## **ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ҲАМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқароларнинг қандай шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мавжуд?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс этган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини изоҳлаб беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчларини тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳақида қандай нормалар белгиланган?
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва уларни сайлаш тартиби.
8. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларини айтинг.
9. Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқининг принципларини кўрсатиб беринг.
10. Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига асосан жамоатчилик назорати субъектларини айтинг.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг ҳуқуқий мақоми ва вазифалари.
12. “Электрон ҳукумат” тизимига тавсиф беринг.
13. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қайсилар?
14. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланиш мумкин?
15. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг аҳамияти ва унинг турларини ёритиб беринг.
16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва унинг турларини ёритиб беринг.
17. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ва унинг субъектлари.
18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини нима ташкил этади?

19. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг вазифалари нималардан иборат?
20. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти.
21. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари.
22. Конституция ва қонуннинг устунлиги деганда нимани тушунасиз?
23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига нималар киради?
24. Ўзбекистон ташқи сиёсатни амалга оширишда қандай принципларга амал қилади?
25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларига нималар киради?
26. “regulation.gov.uz” веб-сайтнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
27. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қандай тартибда лозозимига тайинланади?
28. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари деганда нимани тушунасиз?
29. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қандай ваколатларга эга?
30. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш тартиби қандай?
31. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида қайси органлар эътироф этилган.
32. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви деганда нимани тушунасиз?
33. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳақида нималарни биласиз?
34. Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши ҳақида маълумот беринг.
35. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар фаолияти ҳақида маълумот беринг.
36. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий мақоми.
37. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби қандай?
38. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг ваколатлари.
39. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашнинг усулларини ёритиб беринг.

40. Ўзбекистон Республикасида қандай сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади?
41. Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими қандай?
42. Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг мазмун-моҳиятини ифоҳалаб беринг.
43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми ва унинг ваколатлари.
44. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучини тушунтиринг.
45. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими ҳамда солиқларни жорий қилишга ваколатли давлат органлари.
46. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши қандай?
47. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит тизими қандай?
48. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар ҳақида маълумот беринг.
49. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан кимлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмас?
50. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилишини изоҳлаб беринг.
51. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати тушунчасини изоҳланг.
52. Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратининг асосий принципларини санаб беринг.
53. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?
54. Қонунни қабул қилиш жараёнини тушунтириб беринг.
55. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга давлат органлари.
56. Давлат-хусусий шериклик тушунчасига тавсиф беринг.
57. Шахсга доир маълумотлар ҳамда ушбу маълумотлардан фойдаланиш.
58. “Мening fikrim” махсус веб-портали қандай мақсадда ташкил этилган ва у орқали қайси давлат ташкилотларига мурожаат қилиш мумкин?
59. Ижтимоий шериклик тушунчасига тавсиф беринг.
60. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунига асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг қандай принциплари мавжуд?

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Фуқаролик қонун ҳужжатлари нималарга асосланади, улар билан қандай муносабатлар тартибга солинади?

2. Қайси ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда аналогия (ўхшашлик) қўлланилади?

3. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг қандай асослари мавжуд?

4. Зарарни қоплаш деганда нимани тушунасиз? Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарар ким томонидан тўланади?

5. Васийлик ва ҳомийлик. Васийлик ва ҳомийлик органлари.

6. Фуқаронинг бедарак йўқолган деб топилиши, оқибатлари ва фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилиниши.

7. Юридик шахс тушунчаси ва турлари. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати.

8. Юридик шахсларнинг ташкил этилиши, таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилиши.

9. Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик қандай тартибда амалга оширилади?

10. Масъулияти чекланган жамият нима? Бу турдаги жамият энг ками ва кўпи билан неча шахс томонидан таъсис этилади?

11. Акциядорлик жамиятлари, уларнинг устав фонди.

12. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатидаги роли. Давлат ва юридик шахслар жавобгарлигининг фарқи.

13. Фуқаролик ҳуқуқлари объектлари нималардан иборат? Мол-мулкнинг турлари.

14. Кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.

15. Қимматли қоғозлар деганда нима тушунилади? Қимматли қоғозларга нималар киради?

16. Битимлар тушунчасига таъриф беринг. Битимларнинг қандай турлари мавжуд? Шартнома билан битимнинг фарқи.

17. Битимларнинг шакллари.

18. Битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмасликнинг оқибатлари.

19. Эмансипация нима? Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан битимларни тузиш шартлари.

**20.** Вакиллик. Муомалага лаёқатли ва муомалага лаёқатсиз шахслар номидан вакиллик қилишни тушунтириб беринг.

**21.** Ишончнома тушунчаси ва унинг шакли. Қандай ишончномалар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади?

**22.** Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш (бошқа шахсга ўтказиш).

**23.** Юридик шахс томонидан бериладиган ишончноманинг тузилиши тартиби.

**24.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан муддатлар белгилаш, вақт даври билан белгиланган муддатнинг бошланиши ва тугаши.

**25.** Мулк ҳуқуқи тушунчаси. Мулк ҳуқуқи субъектлари ва объектлари ҳақида гапириб беринг.

**26.** Мулк ҳуқуқини вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари. Эгасиз ашё деганда нимани тушунасиз?

**27.** Хусусий мулк ҳуқуқи. Оммавий мулк қандай мулкларни қамраб олади?

**28.** Умумий мулк тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари нималардан иборат?

**29.** Улушли мулкдаги улушлар қандай аниқланади? Улушли мулкларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи ҳақида нималарни биласиз?

**30.** Виндикация деганда нимани тушунасиз? Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартиби.

**31.** Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати. Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?

**32.** Гаров деганда нимани тушунасиз? Гаров нарсаси сифатида нималар муомалада бўлиши мумкин? Гаровнинг қандай турлари мавжуд?

**33.** Гаров шартномасининг мазмуни ва шакли. Гаров ҳуқуқи қачон вужудга келган деб ҳисобланади? Гаров ҳуқуқи қайси ҳолларда бекор бўлади?

**34.** Навбатдаги гаров деганда нимани тушунасиз? Гаров нарсасини алмаштириш ва тиклаш мумкинми?

**35.** Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишнинг асослари ва тартиби. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш тартиби.

**36.** Кафиллик шартномаси нима? Кафиллик шартномасига асосан кафилнинг қандай жавобгарлиги бор?

**37.** Кафолат тушунчаси, кучга кириши ва бекор бўлиш шартлари ҳақида нималарни биласиз?

**38.** Закалат нима ва закалат пули қайси ҳолатларда қайтариб берилиши керак?

**39.** Мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик асосларини тушунтириб беринг.

**40.** Шартнома тушунчасини изоҳлаб беринг. Шартнома тузиш эркинлиги деганда нима назарда тутилган?

**41.** Ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномаларга таъриф беринг.

**42.** Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар.

**43.** Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ.

**44.** Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ва унинг шакли. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари.

**45.** Корхонага мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши.

**46.** Айирбошлаш шартномасига таъриф беринг.

**47.** Лизинг шартномаси, уни тузиш тартиби.

**48.** Ҳадя шартномаси. Ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлган ҳолатлар.

**49.** Ҳадя шартномасининг шакли ҳақида нималар биласиз?

**50.** Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси, унинг шакли ва шартлари.

**51.** Мулк ижарасининг объектлари ва уларни тасарруф этиш.

**52.** Мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ва мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш тартиби.

**53.** Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси ва унинг шакли.

**54.** Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси, унинг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.

**55.** Уй-жойни ижарага бериш шартномаси, муддати ва бекор қилиш тартиби.

**56.** Уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасининг шакли.

**57.** Қарз ва кредит шартномалари. Ушбу шартномаларнинг шакли.

**58.** Суғуртанинг асосий турлари, суғурта шартномасининг шакли ва суғурта сири.

**59.** Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

**60.** Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қандай усулларда амалга оширилади?

## НОТАРИАТ СОҲАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

1. Нотариуснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг касбий мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиш оқибатлари.
2. Нотариал иш юритиш қоидалари, нотариал ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва тартиби.
3. Нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги ҳақида нималарни биласиз? Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) кимларга берилиши мумкин?
4. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишни тўхтатиб туриш ва кечиктириш тартиби, муддатлари ва ҳуқуқий асослари.
5. Қайси ҳолатларда нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилади?
6. Васиятномани тузиш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тартиби. Васият қилувчи саводсиз бўлган тақдирда нотариуснинг ҳаракати.
7. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ва эр-хотиннинг мулкани бўлиш ҳақидаги шартномани тасдиқлаш.
8. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш тартиби.
9. Мерос қолдирувчининг қайси ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос таркибига кирмайди?
10. Банкка қўйилган омонат ва қимматли қоғозлар мерос таркиби объекти бўлганда нотариуснинг ҳаракатлари.
11. Меросхўрлар доирасига кимлар киради? Кимлар нолейк меросхўр ҳисобланади? Уларни меросдан четлаштириш тартиби.
12. Меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунга қадар харажатларни тўлаш ҳақидаги нотариуснинг фармойиши.
13. Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этса, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ва мерос мулклари қандай тартибда расмийлаштирилади? Бунда давлат божи қандай ундирилади?
14. Нотариал шаҳодатлантириш мумкин бўлмаган ҳужжатларга нималар киради?
15. Ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини ва ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш қандай амалга оширилади? Ундириладиган давлат божи.
16. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш тартиби.

**17.** Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш тартиби. Нотариус томонидан депозитга қабул қилинган пул суммаларининг сақланиш муддати.

**18.** Ижро хатларини ёзиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари. Ундириладиган давлат божи.

**19.** Фуқаронинг касаллиги, ногиронлиги сабабли нотариал идорага кела олмайдиган ҳолатда ёки кар-соқовлик нуқсони бор фуқаролар иштирокида нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва давлат божи ундириш тартиби.

**20.** Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокида битимларни тасдиқлаш тартиби қандай?

**21.** Умрбод таъминлаш шарти билан уй, квартира, уйнинг, квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш шартномасини тасдиқлашда нотариус нималарни тушунтириши лозим?

**22.** Корхонани сотиш шартномасини расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Шартномани тасдиқлашда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

**23.** Турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайдиган шарт-шароитлар.

**24.** Никоҳ шартномасини расмийлаштириш тартиби. Шартномани тасдиқлашда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

**25.** Нотариал ҳаракатни амалга оширишда чет давлат органлари ёки мансабдор шахслари томонидан берилган ҳужжатни қабул қилиш шартларини тушунтиринг.

**26.** Консулик легализациясида нотариуснинг иштироки.

**27.** Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни нотариал тасдиқлаш тартиби.

**28.** Тугатилаётган юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулкни унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш (бўлиш) тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

**29.** Нотариуслар томонидан шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишув шартномаларини тасдиқлаш тартиби.

**30.** Фуқаролик ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш тартиби.

**31.** Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши.

**32.** Апостиль тўғрисида нималарни биласиз?

**33.** Юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлаш тартиби.

**34.** Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар.



**35.** Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш. Тақиқни текшириш.

**36.** Нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар бўйича давлат органларига электрон маълумотлар юбориш тартиби қандай?

**37.** Нотариус томонидан нотариатнинг фаол модели доирасида “ягона дарча” тамойили асосида нотариал ҳаракатларни тасдиқлаш тартибини тушунтириб беринг.

**38.** Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумот олишда нотариус ва Давлат активларини бошқариш агентлиги органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби.

**39.** Нотариал фаолият устидан амалга ошириладиган назорат ҳақида нималарни биласиз?

**40.** Хусусий нотариал фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари.

**41.** Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асослари.

**42.** Нотариал ҳаракатлар асосида кўчмас мулкка нисбатан вужудга келадиган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?

**43.** Қандай ҳужжатлар кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади?

**44.** Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари.

**45.** Видеоконференцалоқа режимида битимларни нотариал тасдиқлаш

**46.** Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини суғурта қилиш.

**47.** 2020 йил 14 январда қабул қилинган “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан киритилган янги нотариал ҳаракатлар.

**48.** Нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар турлари ҳамда улар учун тўлов ундириш тартиби қандай?

**49.** Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этишнинг қандай минимал талаблари мавжуд?

**50.** Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолияти ва уни молиялаштириш тартиби.

**51.** Нотариуслар томонидан жисмоний шахслар ўртасида автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

**52.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан қайси битимларни мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинди?

**53.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 апрелдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига асосан суғурта объекти ва субъекти.

**54.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 апрелдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига асосан суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида нималарни биласиз?

**55.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 апрелдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига асосан қандай ҳолларда суғурталовчи зарар етказилган шахсга ўзи тўлаган суғурта товони миқдорида регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга?

**56.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг нотариат соҳасидаги ваколатлари ҳақида нималарни биласиз?

**57.** Қандай ҳолларда шахслар уларга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи тўлашдан озод этилади?

**58.** Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ҳузуридаги фондлар.

**59.** Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ва унда ишлаш тартиби.

**60.** Нотариал округ ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жойи.